Ҳужамурадов Аброрбек Рўзимурат ўғли, Тошкент давлат Иқтисодиёт университети мустақил изланувчиси

Маматкулов Салимжон Рахмонкулович, Тошкент давлат Иқтисодиёт университети мустақил изланувчиси

ЎЗБЕКИСТОНДА СОЛИҚ МАЪМУРИЯТЧИЛИГИНИ РАҚАМЛИ ТРАНСФОРМАЦИЯ ҚИЛИШ: СОЛИҚ БАЗАСИНИ КЕНГАЙТИРИШ ВА ИХТИЁРИЙ ТЎЛОВЧИЛАР КЎЛАМИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Аннотация

Мақолада Ўзбекистонда солиқ маъмуриятчилигини рақамли трансформация қилишнинг фискал барқарорлик, солиқ базасини кенгайтириш ва яширин иқтисодиётни қисқартиришдаги ўрни тадқиқ этилган. Таҳлил доирасида тайёрланган “Бюджет даромадларини кенгайтириш мақсадида ижтимоий-иқтисодий зарари кам бўлган қўшимча даромад манбаларини аниқлаш тизимини ишлаб чиқиш (1-йил)” ҳисоботи, 2017–2025 йиллар динамик маълумотлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 19 майдаги ПФ–95-сон Фармони, ХВЖ ва ИҲТТ материаллари асосида амалга оширилди.

Натижалар солиқ ставкаларини механик оширишга нисбатан маълумотларни интеграция қилиш, рискка асосланган назорат, проактив хизматлар, ҚҚС маъмуриятчилиги, солиқ узилишини баҳолаш ва сунъий интеллект воситаларини жорий этиш камроқ иқтисодий бузилишлар билан юқори натижа бериши мумкинлигини кўрсатади. Ўзбекистон шароити учун солиқ маъмуриятчилигини “маълумот — риск — сервис — назорат — баҳолаш” цикли асосида ташкил этиш, солиқ тўловчиларни риск профили бўйича сегментация қилиш ва самарадорликни солиқ тушумлари билан бир қаторда ихтиёрий риоя, вақт харажатлари ва ишонч индикаторлари орқали баҳолаш таклиф этилди.

Калит сўзлар: солиқ маъмуриятчилиги, рақамлаштириш, солиқ базаси, солиқ узилиши, рискларни бошқариш, ҚҚС, сунъий интеллект, ихтиёрий риоя, яширин иқтисодиёт.

Кириш

Ўзбекистонда кейинги босқичда фискал барқарорликни таъминлашнинг асосий масаласи фақат янги солиқлар ёки юқори ставкаларни қўллаш эмас, балки мавжуд солиқ базасининг тўлиқ қамраб олиниши ва солиқ мажбуриятларининг кам харажат билан бажарилишини таъминлашдан иборат. Қўшимча бюджет даромадларини аниқлашда солиқ юкини кескин ошириш эмас, балки солиқ базасидан самарали фойдаланиш, номутаносибликларни бартараф этиш, самарасиз имтиёзларни мақбуллаштириш, норасмий фаолиятни қисқартириш ва маъмуриятчилик сифатини ошириш устувор деб белгиланган [1].

Мавзунинг долзарблиги 2026 йилда институционал жиҳатдан янада кучайди. ПФ–95-сон Фармон билан 2030 йилга қадар солиқларни ихтиёрий тўлаш улушини 98 фоизга етказиш, юқори солиқ хавфларини икки баравар камайтириш, жами солиқ тушумларини икки баравар ошириш ва солиқ хизматлари сифатини яхшилаш каби аниқ натижавий мақсадлар белгиланди [2]. Шу боис рақамли солиқ маъмуриятчилиги энди техник автоматлаштириш масаласи эмас, балки фискал стратегиянинг марказий институционал элементи сифатида баҳоланиши лозим.

Адабиётлар шарҳи ва назарий ёндашув

Солиқ маъмуриятчилиги назариясида самарадорлик тушунчаси йиғилган солиқ суммаси билан чекланмайди. У солиқ органларининг маъмурий харажатлари, солиқ тўловчининг риоя харажатлари, ҳуқуқий аниқлик, назоратнинг рискка йўналтирилганлиги ва давлатга бўлган ишонч билан биргаликда баҳоланади. Тадқиқот ҳисоботида “солиқ салоҳияти” тўлиқ риоя ва самарали маъмуриятчилик шароитида иқтисодиёт тўплаши мумкин бўлган максимал тушум сифатида, “солиқ узилиши” эса потенциал ва ҳақиқий мажбуриятлар ўртасидаги фарқ сифатида талқин қилинган [1].

ХВЖнинг 2025 йилги Ўзбекистон бўйича IV модда консультациясида солиқ базасини кенгайтириш учун текширув дастурини қайта кўриб чиқиш, йирик солиқ тўловчилар билан ишлаш сифатини ошириш, молиявий маълумотлардан риск баҳолашда кенгроқ фойдаланиш, солиқ узилиши таҳлилини йўлга қўйиш ва солиқ органларига жамоатчилик ишончини мунтазам ўлчаш тавсия этилган [3]. 2026 йилги миссия хулосалари эса 2025–2030 йилларга мўлжалланган солиқ маъмуриятчилиги ислоҳотларини тўлиқ амалга ошириш, ҚҚС қайтаришда рискка асосланган ҳисобварақ-фактура тизимини кенгайтириш ва ўрта муддатли даромад стратегиясини амалга ошириш зарурлигини яна бир бор таъкидлайди [4].

ИҲТТнинг “Tax Administration 2024” ва 2025 йилги рақамли трансформация ҳисоботларида замонавий солиқ маъмуриятчилиги “compliance-by-design” — яъни солиқ мажбуриятларини ҳисоблаш ва бажаришни бизнеснинг рақамли жараёнларига имкон қадар автоматик интеграция қилиш тамойилига ўтаётгани кўрсатилади. 2024 йил ҳолатига кўра, тадқиқ этилган солиқ маъмуриятларининг 85,2 фоизида катта маълумотларни таҳлил қилиш учун зарур инфратузилма ва салоҳият, 88,9 фоизида корпоратив BI/визуаллаштириш воситалари мавжуд; 51,9 фоизи фирибгарликни реал вақтда аниқлашда аналитикадан, 72,3 фоизи эса катта маълумотлар таҳлилида AI/MLдан фойдаланади [5].

1-жадвал. Солиқ маъмуриятчилиги самарадорлигини баҳолашнинг асосий мезонлари

Мезон	Мазмуни	Ўзбекистон учун амалий аҳамияти
Йиғилувчанлик	Ҳақиқий тушум / ҳисобланган мажбурият	Солиқ узилиши ва қарздорликни аниқлаш
Риоя харажатлари	Солиқ тўловчининг вақт ва молиявий харажатлари	Проактив ҳисобот ва автоматлаштириш орқали камайтириш
Риск самарадорлиги	Назорат ресурсларини юқори хавфли сегментга йўналтириш	Текширувлар сони эмас, натижадорлигига урғу бериш
Сервис сифати	Қулайлик, тезлик, тушунарлилик, ишонч	Ихтиёрий риояни ошириш
Маълумот сифати	Идоралараро маълумотларнинг тўлиқлиги ва мослиги	Яширин база ва сохта операцияларни аниқлаш

Шундай қилиб, халқаро адабиётларда рақамлаштиришнинг қиймати “кўпроқ текшириш”да эмас, балки солиқ тўловчининг хатосини олдиндан камайтириш, рискни эрта аниқлаш ва назорат ресурсларини энг юқори фискал хавфга йўналтиришда намоён бўлади. Бу ёндашув Ўзбекистон учун айниқса муҳим, чунки иқтисодиётнинг расмийлашув жараёни ҳали давом этмоқда ва маълумотлар базаларини ўзаро боғлаш қўшимча фискал салоҳиятни солиқ ставкасини оширмасдан сафарбар этиш имконини беради.

Тадқиқот методологияси ва маълумотлар базаси


Мақолада тизимли таҳлил, қиёсий таҳлил, динамик қаторлар таҳлили, институционал ёндашув ва контент-таҳлил усулларидан фойдаланилди. Асосий эмпирик база сифатида 2017–2025 йиллар учун ЯИМ, бюджет даромадлари, ҚҚС, фойда солиғи ва маъмурий органлар кесимида тушумлар қабул қилинди.

2026 йилга оид прогноз кўрсаткичлари тенденцияни тушунтириш учун қўлланилди, аммо якуний факт сифатида талқин қилинмади. Норматив-ҳуқуқий таҳлил ПФ–95-сон Фармон ва 2025–2030 йилларда давлат молиясини бошқариш стратегиясига таянди [2; 6].


2017–2025 йилларда номинал ЯИМ 369,6 трлн сўмдан 1 849,6 трлн сўмга, бюджет даромадлари эса 49,7 трлн сўмдан 359,8 трлн сўмга ошган. Бюджет даромадларининг ЯИМга нисбати 13,44 фоиздан 19,45 фоизга кўтарилган [1]. Бу динамика фискал база кенгайганини кўрсатади, бироқ таркибий жиҳатдан йирик ресурс корхоналари ва айрим юқори тушумли солиқ турларига боғлиқлик сақланиб қолган.

Шу сабабли келгуси босқичда тушумлар ўсишининг сифат манбаи — маъмуриятчилик самарадорлиги бўлиши керак.

2-расм. Ўзбекистонда бюджет даромадлари динамикаси, 2017–2025 йиллар



2-расм. Бюджет даромадларининг ЯИМга нисбати, 2017–2025 йиллар




Динамиканинг муҳим жиҳати шундаки, тушумларнинг ўсиши автоматик равишда маъмуриятчилик самарадорлиги ошганини англатмайди. Номинал ЯИМ ўсиши, инфляция, ресурс нархлари, солиқ ставкалари ва бир марталик тушумлар ҳам натижага таъсир қилади. Шу боис мазкур мақолада

маъмуриятчилик натижаси бюджет тушумларининг ўзгаришидан ташқари, солиқ узилиши, ҚҚС самарадорлиги, рискларни аниқлаш, проактив хизматлар ва ихтиёрий риоя кўрсаткичлари билан боғлаб баҳоланади.

Ўзбекистонда солиқ маъмуриятчилигининг жорий ҳолати ва асосий муаммолар

Тадқиқот ҳисоботи маъмурий кесимда бюджет тушумларининг асосий қисми Солиқ қўмитаси орқали йиғилишини, бироқ унинг улуши 2017 йилдаги 76,0 фоиздан 2025 йилда 68,9 фоизга пасайганини кўрсатади. Божхона қўмитасининг улуши эса 15,3 фоиздан 21,1 фоизга ошган [1]. Бу ўзгариш импорт, трансчегаравий электрон савдо, импорт ҚҚС ва божхона тўловларининг фискал аҳамияти ортиб бораётганини англатади.

3-расм. Бюджет тушумларини маъмурий органлар кесимида йиғиш улуши



ХВЖ томонидан қайд этилган муаммолар Ўзбекистонда солиқ маъмуриятчилигининг кейинги вазифаларини аниқ белгилаб беради: рискларни баҳолаш ва декларацияларни текшириш учун молиявий маълумотларга киришни кенгайтириш; солиқ узилишини тизимли ҳисоблаш; йирик солиқ тўловчилар билан ишлаш моделини такомиллаштириш; текширув дастурини рискка асосланган тамойилда қайта қуриш; ходимлар ҳалоллиги ва жамоатчилик ишончини баҳолаш механизмларини кучайтириш [3].

2-жадвал. Ўзбекистон солиқ маъмуриятчилигида устувор муаммолар ва ечимлар

Муаммо	Фискал таъсир	Таклиф этиладиган ечим
Маълумотлар парчаланганлиги	Яширин операцияларни аниқлаш қийин	Идоралараро data hub ва ягона идентификатор
Солиқ узилиши ҳисобланмаслиги	Қайси йўналишда йўқотиш кўплиги ноаниқ	ҚҚС, фойда, ЖШДС бўйича tax gap моделлари
Назоратнинг кенг қамровлилиги	Ҳалол бизнесга ортиқча юк	CRM ва Risk Differentiation Framework

ҚҚС қайтаришда вақт хавфи	Айланма маблағлар музлаши	Рискка асосланган автоматик қайтариш
Сервис натижаси етарлича ўлчанмаслиги	Ихтиёрий риояга салбий таъсир	Мижозларга йўналтирилганлик индекси
Кадрлар рақамли кўникмалари фарқи	Аналитикадан тўлиқ фойдаланилмайди	Data science, аудит ва IT компетенцияларини сертификациялаш

ПФ–95-сон Фармон мазкур муаммоларнинг бир қисмига институционал жавоб беради. Хусусан, CRM тизимини такомиллаштириш, сунъий интеллектдан фойдаланиш, 2026 йилдан мижозларга йўналтирилганлик индексини жорий этиш, 2027 йилдан айрим солиқ ҳисоботларини проактив шакллантириш ва паст рискли тўловчиларга ҚҚСни 3 кунда автоматик қайтариш кўзда тутилган [2]. Бу чоралар назорат ва сервисни бир вақтнинг ўзида кучайтиришга қаратилгани билан аҳамиятли.

Рақамли трансформация: маълумот, аналитика ва сунъий интеллект

Рақамли солиқ маъмуриятчилигининг асосий ресурси — маълумот. Электрон ҳисобварақ-фактура, онлайн назорат-касса техникаси, рақамли маркировка, божхона декларациялари, банк тўловлари, кадастр, лицензиялар, меҳнат ва ижтимоий тўловлар маълумотлари ягона аналитик муҳитда бирлаштирилганда, солиқ органи декларацияни фақат “қабул қилувчи” эмас, балки операциялар мантиғини реал вақтда таҳлил қилувчи институтга айланади. Рақамли маркировка, товар ҳаракатини узлуксиз кузатиш, маълумотлар базаларини интеграция қилиш, катта маълумотлар таҳлили ва автоматик схема аниқлашни қўшимча даромадларни сафарбар этишнинг мустақил йўналиши сифатида белгилайди [1].

3-жадвал. Рақамли солиқ маъмуриятчилиги архитектурасининг таклиф этилаётган қатламлари

Қатлам	Асосий элементлар	Натижа
1. Маълумот йиғиш	ЭҲФ, онлайн НКМ, маркировка, банк, кадастр, божхона	Тўлиқ ва тезкор транзакцион база
2. Маълумот сифати	Идентификация, дедупликация, формат стандартлари	Хатолар ва мос келмасликларни камайтириш
3. Аналитика	Risk scoring, anomaly detection, network analysis	Юқори рискли операцияларни саралаш
4. Интервенция	Хабарнома, проактив тузатиш, масофавий назорат, аудит	Назорат ресурсларини тежаш
5. Сервис	Автотўлдириш, чатбот, проактив ҳисобот, тез қайтариш	Риоя харажатларини камайтириш
6. Баҳолаш	Tax gap, KPI, ишонч индекси, вақт харажатлари	Сиёсат натижасини ўлчаш

Ўзбекистон учун муҳим шарти — сунъий интеллектни “қарорни автоматик қабул қилувчи” эмас, балки рискларни сараловчи ва ходим қарорини асословчи восита сифатида босқичма-босқич жорий этишдир. Алгоритмлар ҳуқуқий мезонлар билан боғланиши, тушунтириладиган бўлиши ва солиқ тўловчида қарор устидан шикоят қилиш имконияти сақланиши лозим. Акс ҳолда

рақамлаштириш маъмурий юкни камайтириш ўрнига “рақамли бюрократия”ни кучайтириши мумкин.

Рискка асосланган назорат ва ҚҚС маъмуриятчилиги

Солиқ назоратининг самарали модели барча солиқ тўловчиларга бир хил интенсивликда таъсир ўтказмайди. У риск даражасига қараб профилактика, хабарнома, масофавий таҳлил, тематик текширув ва комплекс аудит воситаларини фарқли қўллайди. ПФ–95-сон Фармонда ўрта рискли солиқ тўловчиларга аниқланган хавфлар тўғрисида хабарнома юбориш ва камчилик бир ойда бартараф этилса, текширув ўтказмаслик тартиби белгиланган. Шунингдек, 2026 йил ноябрга қадар “Risk Differentiation Framework” ва “Risk Review” ахборот тизимларини ишлаб чиқиш вазифаси қўйилган [2].

Бу ёндашув ихтиёрий риояни маъмурий босимдан устун қўяди: паст рискли тўловчига тез ва автоматик хизмат, ўрта рискли тўловчига хатони тузатиш имконияти, юқори рискли тўловчига эса чуқурлаштирилган таҳлил ва аудит қўлланилади. Натижада назорат харажатлари қисқаради, текширувнинг фискал қайтими ошади ва ҳалол бизнесга нисбатан тенг рақобат муҳити кучаяди.

4-жадвал. Риск даражаси бўйича солиқ маъмуриятчилиги интервенциялари

Риск тоифаси	Асосий белгилар	Маъмурий чора	Кутилаётган натижа
Паст	Барқарор тўлов, мос декларация, паст тафовут	Проактив сервис, тез қайтариш	Риоя харажатлари камаяди
Ўрта	Алоҳида тафовут ёки янги риск сигнали	Хабарнома, self-correction муддати	Хато текширувсиз бартараф этилади
Юқори	Такрорий тафовут, алоқадор рискли контрагентлар	Масофавий/сайёр текширув	Қочиш схемаси чекланади
Тизимли юқори	Тармоқ ёки гуруҳ миқёсида схема	Тематик аудит, тармоқ таҳлили	Фискал йўқотиш манбаи ёпилади

ҚҚС маъмуриятчилиги мазкур ёндашувнинг энг муҳим синов майдонидир. Соф ҚҚС тушумлари 2017 йилдаги 14,7 трлн сўмдан 2025 йилда 76,0 трлн сўмгача ошгани, бироқ ҚҚС самарадорлиги коэффициенти 57 фоиз атрофида, ундирувчанлик тафовути эса тахминан 30–35 фоиз деб баҳоланган [1]. Бу ставка оширмасдан ҳам маъмуриятчилик орқали сезиларли захира мавжудлигини англатади.

5-жадвал. Соф ҚҚС тушумлари динамикаси (танланган йиллар)

Йил	Соф ҚҚС, трлн сўм	ЯИМга нисбати, %	Бюджет даромадларидаги улуши, %
2017	14,7	3,97	29,56
2020	31,2	4,42	23,45
2022	52,2	5,01	25,85
2024	59,3	3,86	21,60
2025	76,0	4,11	21,13

Шу боис ҚҚСда устувор вазифа — ҳисобварақ-фактуралар занжиридаги узилишларни автоматик аниқлаш, юқори рискли қайтариш талабларини чуқур

текшириш, паст рискли талабларни эса тезкор қайтаришдир. ХВЖ 2026 йилги хулосасида ҳам ҚҚС қайтариш бўйича қарздорликни тўпламаслик ва invoice risk assessment тизимини кенгайтириш зарурлигини қайд этди [4].

Яширин иқтисодиётни қисқартиришда рақамли маъмуриятчилик

Яширин иқтисодиётни солиқ ставкаларини ошириш орқали қисқартириш қийин: юқори юк аксинча норасмийликка рағбатни кучайтириши мумкин. Самарали йўл — операцияни яшириш иқтисодий жиҳатдан қиммат ва техник жиҳатдан мураккаб бўладиган рақамли муҳит яратиш. Бунинг учун товар ҳаракати, тўлов, иш ҳақи, импорт, лицензия ва мулк маълумотлари ўзаро текширилиши лозим. ХВЖ Ўзбекистон бўйича 2025 йилги тавсияларида нақдсиз тўловларни кенгайтиришни яширин иқтисодиётга қарши стратегиянинг муҳим қисми сифатида кўрсатган [3].

2026 йилда Солиқ қўмитаси ХВЖ миссияси билан мулоқотда рақамлаштириш ва катта маълумотлар асосида таҳлилий назорат инструментларини кучайтириш ҳамда ҳалол солиқ тўловчилар учун маъмуриятчиликни соддалаштиришни икки устувор йўналиш сифатида қайд этди [9]. Бу ёндашув “назоратни кучайтириш” ва “бизнесга қулайлик” ўртасида зиддият эмас, балки бир-бирини тўлдирувчи мақсадлар эканини кўрсатади.

6-жадвал. Яширин иқтисодиётни аниқлаш учун маълумотларни интеграция қилиш матрицаси

Маълумот манбаи	Солиқ риск сигнали	Қўлланиш мисоли
ЭҲФ + онлайн НКМ	Сотиб олиш ва чакана сотув ўртасида номутаносиблик	Савдо айланмасини яшириш
Банк тўловлари + декларация	Тушум ва солиқ ҳисоботи ўртасида тафовут	Даромадни кам кўрсатиш
Божхона + ЭҲФ	Импорт ҳажми ва ички реализация мос эмас	Контрабанда/соя айланма хавфи
Кадастр + даромад	Мулк активлари тўлов қобилиятига мос эмас	Декларацияланмаган даромад сигнали
Меҳнат + ижтимоий солиқ	Ходимлар сони/иш ҳақи тармоқ медианасидан кескин фарқ	Конвертда иш ҳақи
Маркировка + товар қолдиғи	Ишлаб чиқариш ва сотув занжири узилиши	Акцизости товарларда ноқонуний айланма

Шу билан бирга, маълумотлар интеграцияси шахсий ва тижорат сирларини ҳимоя қилиш, кириш ҳуқуқларини қатъий чегаралаш, логлаш ва алгоритмик қарорларни аудит қилиш талабларини кучайтиради. Рақамлаштиришнинг фискал самараси ахборот хавфсизлиги билан бирга таъминланмаса, ишонч пасайиши ва ихтиёрий риояга салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Демак, data governance солиқ маъмуриятчилигининг техник эмас, ҳуқуқий ва институционал қисми сифатида қаралиши шарт.

Солиқ тўловчи тўлаган маблағининг жамоат хизматларига айланаётганини кўрса ва солиқ органи билан ўзаро алоқа содда бўлса, ихтиёрий риоя учун

институционал замин мустаҳкамланади [1]. ПФ–95 билан мижозларга йўналтирилганлик индексининг жорий этилиши шу мантиқни амалиётга ўтказиш учун муҳим қадам ҳисобланади [2].

Ўзбекистон учун таклиф этилаётган “5 босқичли рақамли маъмуриятчилик” модели

Таҳлиллар асосида Ўзбекистон шароитида солиқ маъмуриятчилигини қуйидаги беш босқичли цикл асосида ривожлантириш таклиф этилади:

1 маълумотни автоматик йиғиш;

2 маълумот сифатини таъминлаш ва интеграция;

3 рискни прогнозлаш;

4 рискка мос интервенция;

5 натижани солиқ узилиши, риоя харажатлари ва ишонч индикаторлари орқали баҳолаш. Моделнинг асосий фарқи шундаки, назорат натижаси текширувлар сони билан эмас, олди олинган хатолар, ўз ихтиёри билан тузатилган декларациялар ва камайтирилган солиқ узилиши билан ўлчанади.

Ўзбекистон солиқ маъмуриятчилиги учун устувор амалий таклифлар

Биринчи таклиф — Миллий Tax Gap дастури — маъмуриятчилик ислоҳотларини натижа билан боғлайди. Агар солиқ органи қайси солиқ турида, қайси тармоқда ва қайси хавф каналида тушум йўқотилаётганини миқдорий баҳолай олмаса, назорат ресурсларини оптимал тақсимлаш қийин. Шу сабабли ҚҚСдан бошлаб юқоридан-пастга ва пастдан-юқорига моделларни параллел қўллаш мақсадга мувофиқ.

Иккинчи таклиф — маълумотлар архитектураси. Бу ерда мақсад барча маълумотни бир базага физик кўчириш эмас, балки маълумотларни стандарт API ва ягона идентификаторлар орқали хавфсиз алмашишдир.

Учинчи таклиф — риск сегментацияси. Паст рискли солиқ тўловчи автоматик сервис ва тез қайтариш билан рағбатлантирилиши, юқори рискли тўловчи эса аниқ далилларга асосланган назорат объекти бўлиши керак. Бу “ҳалоллик дивиденди”ни яратади: қонунга риоя қилиш маъмурий жиҳатдан арзонроқ бўлади.

Тўртинчи ва бешинчи таклифлар проактив сервисга қаратилган. Солиқ органи ўзида мавжуд маълумотларни солиқ тўловчидан қайта-қайта талаб қилмаслиги, ҳисоботни имкон қадар олдиндан тўлдириши ва фақат тасдиқ талаб қилиши лозим. Бу кичик бизнес учун бухгалтерия харажатларини камайтиради ва хатоларни назорат босқичига етмасдан олдин бартараф қилади.

Кутилаётган иқтисодий ва институционал самара

Биринчи— солиқ базасини ставкаларни оширмасдан кенгайтириш. Бюджет даромадлари учун қўшимча захиралар солиқ базасини тўлиқ қамраб олиш, онлайн ва офлайн савдога тенг шароит яратиш, ҚҚС маъмуриятчилиги ва рақамли назоратни кучайтириш билан боғланган [1].

Иккинчи— бизнеснинг риоя харажатларини камайтириш. Проактив ҳисобот ва маълумотни қайта талаб қилмаслик вақт харажатларини пасайтиради.

Учинчи— назоратнинг адолатлилиги: ресурслар юқори рискли сегментга йўналтирилади ва паст рискли тўловчи тез хизмат олади.

Тўртинчи— давлатга ишончни ошириш. Мижозларга йўналтирилганлик индекси, очиқ KPI ва шикоят қилиш механизмлари солиқ органини фақат назоратчи эмас, балки compliance сервис провайдерига айлантиради.

Бешинчи самара — фискал прогноз сифатининг ошиши. Катта маълумотлар ва tax gap таҳлили тушумлар динамикасини тармоқ ва рисклар кесимида прогнозлаш имконини беради. ИҲТТ маълумотларига кўра, катта маълумотдан фойдаланувчи маъмуриятларнинг 63,8 фоизи уни даромад прогнозлашда ҳам

Хулоса

Ўзбекистонда солиқ маъмуриятчилигини рақамли трансформация қилиш фискал барқарорликни таъминлашнинг энг кам бузувчи воситаларидан бири ҳисобланади. 2017–2025 йилларда бюджет даромадлари сезиларли ўсган бўлса-да, келгуси босқичда тушумлар ўсишини солиқ ставкалари ва бир марталик манбаларга эмас, солиқ базасининг тўлиқлиги, маълумотлар сифати ва ихтиёрий риояга таянтириш зарур. Қўшимча фискал захиралар, ХВЖнинг TADAT билан боғлиқ тавсиялари, ИҲТТнинг рақамли маъмуриятчилик тенденциялари ва ПФ–95да белгиланган 2030 йил мақсадлари шу хулосани бир-бирини тўлдирган ҳолда қўллаб-қувватлайди.

Мақолада Ўзбекистон учун “маълумот — риск — сервис — назорат — баҳолаш” тамойилига асосланган беш босқичли модель таклиф этилди. Унинг марказий элементлари: миллий Tax Gap дастури, маълумотлар интеграцияси, рискка асосланган сегментация, ҚҚСни ишонч профили бўйича автоматик қайтариш, проактив ҳисобот, AI governance, солиқ тўловчилар ишончи индекси ва рақамли компетенцияларга эга кадрлар сиёсати. Ушбу чоралар изчил амалга оширилса, солиқ назоратининг мақсади “кўпроқ текшириш”дан “хатони олдиндан бартараф этиш ва юқори рискни аниқ нишонлаш”га ўтади.

Натижада солиқ маъмуриятчилиги бюджетга қўшимча тушум келтириш билан бирга, бизнеснинг маъмурий харажатларини камайтириш, рақобат шароитларини тенглаштириш ва давлатга ишончни мустаҳкамлаш вазифаларини ҳам бажаради. Бу эса Ўзбекистон шароитида фискал барқарорлик ва хусусий сектор ривожини бир вақтнинг ўзида қўллаб-қувватлайдиган мақбул институционал йўл ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Яширин иқтисодиёт улушини қисқартириш, солиқ ва божхона маъмурчилигини такомиллаштириш, фискал таҳлиллар институти. “Бюджет даромадларини кенгайтириш мақсадида ижтимоий-иқтисодий зарари кам бўлган қўшимча даромад манбаларини аниқлаш тизимини ишлаб чиқиш (1-йил)”. Тошкент, 2026.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 19 майдаги ПФ–95-сон “Солиқ органлари фаолиятини институционал жиҳатдан такомиллаштириш ва солиқ маъмуриятчилигида замонавий ёндашувларни жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони. URL
3. IMF. Republic of Uzbekistan: 2025 Article IV Consultation—Press Release and Staff Report. Country Report No. 25/143, 2025. URL
4. IMF. Uzbekistan: Staff Concluding Statement of the 2026 Article IV Mission, 13 April 2026. URL
5. OECD. Tax Administration Digitalisation and Digital Transformation Initiatives. OECD Publishing, 2025. DOI: 10.1787/c076d776-en. URL
6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 8 апрелдаги 210-сон қарори: “2025–2030 йилларда давлат молиясини бошқариш тизимини такомиллаштириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”. URL
7. OECD. Tax Administration 2024: Comparative Information on OECD and other Advanced and Emerging Economies. OECD Publishing, 2024. URL
8. OECD. Compliance management: Tax Administration 2024. URL
9. Ўзбекистон Республикаси Солиқ қўмитаси. 2026 йил I чорагида амалга оширилган халқаро ҳамкорлик, 31.03.2026. URL
10. World Bank. Business Ready (B-READY) Methodology Workshops – Taxation, 2024. URL
11. Atsebi J.-M., Gueorguiev N., Nose M. Enhancing Tax Capacity: Revenue Gains from Strengthening Tax Administration. IMF Working Paper No. 2025/219, 2025. URL